

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 239 (11.048)

Баҳоси эркин нархда

## ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛАРИ АСОСИДА РИВОЖЛАНМОҚДА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 4 ДЕКАБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ ИШЛАР ВА САВДО ВАЗИРИ СОНГ МИН СУННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, уни нафақат Корея Республикаси ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари, балки Ўзбекистон-Корея муносабатлари ривожига муносиб ҳисса қўлган арбоб сифатида ҳам ҳурмат қилишни таъкидлади.

— Сизнинг ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини яна бир тасдиқлар, — деди Ислом Каримов. — Биз Корея Республикаси билан ҳамкорликни юксак қадрлаймиз.

Ўзбекистоннинг ушбу Субҳидам боқиралиги ўлкаси билан алоқалари ўзаро дўстлик ва ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосига қурилган. Мамлакатларимиз сиёсий соҳада икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасида изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон БМТ Бош қотиби лавозимига Корея Республикаси вакили Пан Ги Мун номзодини қўллаб-қувватлагани ҳам бунинг эркин далилидир.

Корея Республикаси Президентини Но Му Хённинг 2005 йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Президентимиз Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтаришни таъкид этган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил март ойида Сеулга ташрифи асосида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланиб, ҳамкорликни

янгى босқичга кўтаришнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Икки мамлакат парламентлари делегацияларининг мунтазам ташрифлари йўлга қўйилган. 1995 йилда Корея Республикасининг Миллий ассамблеясида Ўзбекистон билан дўстлик уюшмаси ташкил қилинган.

Ташқи ишлар вазирликлари мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб келмоқда.

Иқтисодий соҳада 1992 йилдан мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинганини, Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири эканини таъкидлаш жоиз. Жанубий Кореянинг Ўзбекистонга шу вақтгача киритган жами сармояси бир ярым миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистонда Корея Республикаси билан ҳамкорликда санаотнинг янги соҳаси — автомобилсозлик йўлга қўйилди. Бундан ташқари, қатор тўқимачилик корхоналари ишга туширилди. Сўнгги вақтларда ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик фаоллашмоқда.

2006 йилда Энергетика ва табиий ресурслар бўйича идоралараро қўшма қўмитанинг биринчи мажлиси ўтказилиб, бу борадаги алоқаларнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Мамлакатимизда Корея Республикаси сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 138 қўшма корхона, ушбу давлатнинг 37та компанияси ваколатхонаси фа-

олият кўрсатмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва савдо бўйича Ўзбекистон-Корея ва Корея-Ўзбекистон қўмиталари бу борадаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари билан шуғулланмоқда.

2004 йилда тузилган Маданият масалалари бўйича икки томонлама қўмита гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкентда «Ўзбекистон-Корея» дўстлик жамияти, Корея таълим маркази, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Самарқанд Давлат чет тиллари институтида корей тили ва маданияти марказлари очилган. Икки мамлакатда ҳам миллий маданият кунлари мунтазам ўтказиб келинади, кинофестиваллар, тасвирий санъат асарлари кўрсатмалари, мусиқа ва рақс ансамбллари-нинг гастроллари ташкил қилинади.

Сонг Мин Сун самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳаларда изчил ривожлантириб бориш тарафдори эканлигини алоҳида таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлаш билан боғлиқ ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

### ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВ 4 ДЕКАБРЬ КУНИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 13-Хоразм округ сайлов комиссияси раиси Р.Эшчонов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни узлуқсиз давом эттириш, демократияни мустақамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкни камайтириш, ишлаб чиқаришга илгор технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини толган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади. Барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Иқтисодийимиз ва халқимиз фаровонлиги, турмуш даражаси тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари мунтазам ошириб боришмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёни изчил давом этмоқда. Буларнинг барчаси олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани, халқ фаровонлиги ва даромадларини ошириб боришга доир стратегик вазифалар изчил амалга оширилаётганининг амалий натижаларидир.

Ислом Каримов Хоразм жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўлган тараққиёт бешиқларидан бири эканини таъкидлади. Бу ерда ўн аср муқаддам ташкил этилган Маъмур академияси Шарқнинг энг йирик илм-маърифат масканларидан биридир. Хоразм воҳасидан етишиб чиққан Абу Мусо ал-Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди сингари буюк боболаримиз билан халқимиз ҳақи равишда фахрланади. Уларнинг ворислари бугунги кунда илм-фан, таълим, спорт ва бошқа қўллаб соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритиб, юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётди.

Учрашувда сўзга чиққан Хоразм амалий ва бадиий ишлаб чиқариш корхонаси ёғоч ўймақори Ҳайтмуҳаммад Богбеков, «Тўямўйин-Урганч» сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси эколог-муҳандиси Шавкат Эшматов, сержантлар тайёрлаш мактаби курсанти Азимбой Иброҳимов, ЎзЛиДеП Қўшқўбир тумани кенгаши раиси ўринбосари Дурдона Қўбулова ва бошқалар ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустақамлаш борасида амалга оширилган буюк ва бетимсол ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлади. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби масалаларни амалга оширишда муҳим қафолат бўлишини қайд этдилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрда бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

В.ЛУКМОНОВ,  
Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ,  
ЎзА махсус мухбирлари

## АСЛИДДИН РУСТАМОВНИНГ СУРХОНДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АСЛИДДИН РУСТАМОВ 4 ДЕКАБРЬ КУНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 10-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси Р. Ашуров очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Х. Эрматов йиғилганларни номзоднинг таржиماи ҳоли ва дастури билан таништирди.

Дастурда мустақиллик йилларида республикамизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар салмоқли натижаларини бераётгани қайд этилган. Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан мустақамлашиб, халқ фаровонлиги юксалмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилиб, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдори муттасил ошиб бормоқда. Коммунал хизмат, экологик мувозанатни таъминлаш ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А.Рустамов нутқ сўзлади.

Тадбирда сўзга чиққан Термиз туманидаги «Янгириқ» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Олмадон Бердимуродова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қизилқум туман кенгаши раиси Жўракул Нормўминов, Термиз шаҳридаги «Тез тиббий ёрдам» станцияси бош врачси Зоя Нурова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови қўлпартиявийлик асосида, ошқора ўтаётгани ҳамда халқаро нормаларга тўла мос келишини алоҳида таъкидлаб, сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь кўни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,  
ЎзА мухбири

## МАМЛАКАТИМИЗДА

●Кеча Тошкентдаги Халқ истеъмолчи товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси Республика марказида озик-овқат, енгил саноат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг Республика улгуржи-савдо ярмаркаси иш бошлади. Бу йилги ярмаркада иштирокчилар сони анча ортиб, 165 тага етди. Бунда корхоналарга савдо майдони бепул берилгани муҳим омил бўлди.

●Нукус шаҳрида «Маҳалла» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг 5 йиллик фаолияти сарҳисобига бағишланган ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

●Шу кунларда Жиззах вилоятида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилмоқда. Республика Табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу хайрли тадбир уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

●Навоий вилояти сув-оқава ишлаб чиқариш бошқармаси буюртмасига бйноан, Нурота шаҳрининг янгидан бунёд этилган «Ра-вотўлгон», Фафур Гулом, «Миришкор» маҳаллаларида истиқомат қилувчи 14 миң аҳоли тоза ичимлик суви билан тўла таъминланади. Бунинг учун ҳар бири 250 куб метрлик иккита сув ҳавзаси қурилиши жадал олиб борилмоқда.

●«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимида Жиззах политехника институтининг икки талабасига тантанили равишда халқаро танлов мукофотлари топширилди. Энди уларга махсус грант ҳамда бир йиллик таълим шартнома тўловлари —1,2 миллион сўм берилади.

●Пляж футбол, катта ва мини футбол бўйича мамлакат чемпионатида голиб чиққан Қарши шаҳрининг «Севинч» жамоаси қизлари Ўзбекистон кубоги баҳсларида ҳам шўхсупанинг юқори поғонасидан жой олишди.

●Ангреннинг тоғли ҳудудида «Ўзбектуризм» миллий компаниясига қарашли саёҳат базалари яна иккитага кўпайди. Ҳозирги кунда бу ерда «Янгиобод саёҳатчи» МЧЖ сайёҳлар учун меҳмонхона биноси ҳамда бир қатор ёрдамчи иншоотларни қурмоқда.

●Марказдан анча олисда жойлашган Қонлиқул тумани маркази ва овулларида телефон алоқаси талаб даражасига кўтарилди. Бунга «Ўзбектелеком»нинг Қорақалпоғистон филиали томонидан 20 километрга шиша толали кабеллар ётқизирилиб, янги автомат телефон станцияси ишга туширилгани боис эришилди.

## ЖАҲОНДА

●Эрон ҳукумати Канада элчисини мамлакатдан чиқариб юборди. Бунга Канада томони Эрон юборган элчиларни қабул қилмагани сабаб бўлди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар бундан тўрт йил бурун Эронда канадалик журналист Захра Каземи ўлдирилгандан сўнг бузилган эди.

●Кеча Парижда ғайритабиий суд жараёни бўлиб ўтди. Унда Франция Президентининг 20 ёшли ўғли Жан Саркози бундан икки йил муқаддам мотороллерида йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб, воқеа жойидан жўфтаникни ростлаганига айбланди. Қизиғи шундаки, Ж.Саркози ушбу айбларни ўз бўйига олмади. Суд бир тўхтама-га келмаганлиги сабабли, ушбу иш келаси йилнинг ёзида қайта қўриб чиқиладиган бўлди.

●Кеча АҚШ миллий разведкаси Эроннинг ядро дастури бўйича шов-шувли ҳулосасини билдирди. Унинг маълумотига кўра, бундан беш йил аввал Эрон ядро қуроли ишлаб чиқариш бўйича дастурини музлатиб қўйган. Кеча ушбу масала юзасидан Россия ва АҚШ Президентлари телефон орқали ўзаро мулоқотда бўлишди.

●Маълумки, Жанубий Африка Республикаси олтин қазиб бўйича дунёда етакчи ўринларда туради. Кеча ушбу мамлакатнинг 250 миңга яқин қончилари ҳукуматдан хавфсиз иш шароитларини таъминлашни сўраб бир кунлик иш ташлашди.

●Америкалик ҳарбийлар Бағдод яқинидаги «Camp Cropper» қамқоҳонасида 950 нафар ўсмир ва болаларни ушлаб турганини тан олди. АҚШ ҳарбий полицияси генерали Майкл Невиннинг таъкидлашича, бу ёшлар Ироқ ва коалицион кучлар хавфсизлигига таҳдид қилишда айбланиб, ҳибсга олинган.

●Грецияда мамлакатдаги пенсия ислохоти қарши шифокорлар ва ўқитувчилар норозлилик намойишларини давом эттиришмоқда.

●Кеча Индонезияда кучли zilзила рўй берди. Маълумотларга кўра, ел силкниши маркази Сулавеси оролининг шимоли-шарқиди, 35 километр сув тағида жойлашган бўлиб, у ерда zilзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 6 баллни ташкил этган. Ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчиликлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

●Кеча Германияда Санта Клаусларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

●Непалда қор одам мавжудлигини исботловчи янги далиллар топилди. Яъни бу ерда Ҳимолай тоғларидан топилган, тахминан қор одамга тегишли бўлган тошга айланган из намойиш этилди. Ушбу изнинг ҳажми пойма-залда 50-размерга тўғри келади.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Хусусий тадбиркорлик

## ЯНГИ ЛИНИЯЛАР АСОСИДА

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янгилашда, сифатини ошириб, рақобатбардошлигини таъминлашда, энг муҳими, бугунги харидор дидини топишда, талабани қондиришда илгор техника ва технологияларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Шу боис ҳам ишлаб чиқарувчи тадбиркорларимиз бозорни тинмай ўрганиб, маҳсулот тайёрлаш, ички бозорда ўз ўрнига эга бўлиш учун цехларни юксак умумий чет эл дастгоҳ ва линиялари билан жиҳозлашга, уларнинг қувватидан самарали фойдаланишга, янги технологияларни фаолиятларига жорий этишга катта эътибор қаратишмоқда. Натижаси эса интилганидан ҳам зиёда бўлиб, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли товарлар сифати, импорт ўрнини босиши, кўриниши ҳамда бирмунча арзон нархи билан юртдошларимиз талабини қондиришмоқда.

Пойтахтимизда изланишлари туфайли анчагина муваффақиятларга эришган «Этьикод» хусусий фирмаси мебеллари ҳам ана шундай маҳсулотлар сирасидан бўлиб, энг муҳими улар сифатли ва чидамли хом ашёдан тайёрланади, дизайнига эътибор билан ёндоқлашади. Муваффақиятларининг яна бир боиси малакали мебелсозлар жамланган ва ёш кадрларнинг маҳоратини оширишга катта эътибор қаратилган мажмура жамоа цехлари Италиянинг янги линиялари билан жиҳозланганлигидир. Улар ёрдамида кўпгина мураккаб жараёнлар қийинчиликсиз бажарилади, сифат эса юқори бўлади.

Агарда ракамлар тили билан гапирадиган бўлсак, ўтган ўн йил давомида кичкина бир цех 2 та катта цехга айланиб, 3-4 кишилик жамоа салкам 100 нафарга етди, 2 турдаги маҳсулот 60 хилдан ортиб кетди. Биргина жорий йилда 15 нафар ёш таъғитлар иш билан



Шарифа ИЛЁСОВА

## СУРАТЛАРДА: корхонанинг илгор мебелсозлари; тадбиркор Абдугани Қосимов маҳсулотлар дизайнини яратишда катта маҳоратга эга. Ҳажимдон Солиҳов олган суратлар

таъминланди. Эндиликда фақатгина оддий стуллар эмас, балки кўрган кўзларни қувватладиган, ҳар қандай офису идораларга мос, хондонларга фазиз бағишлайдиган стол-стуллар, юмшоқ мебеллар тўплами, турли хил ўриндиқлар ва жорий йилдан ишлаб чиқарила бошланган ётоқхона мебеллари жамланмаса Европа стандартлари Абдугани Қосимов. — Албатта, тайёрланган маҳсулотни харидорга манзур эта билиш ҳам маҳорат. Шу боис ҳам ўзимизнинг кўркам ва харидор учун барча шариоатлар муҳайё этилган савдо мажмуазини бунёд этдик. Ҳозирда мажмуага ташриф буюрган харидор корхонамизда ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулот турларини кўриши, ёққанига буюртма бериши, фикр-мулоҳазаларини билдирishi мумкин. Чунки кўргазмадан мебелларимизнинг хилма-хил турлари ўрин олган, малакали мутахассисларимиз эса батафсил маълумот бера олади.

Бозорни тинмай ўрганаётган, хорижлик мебелсозлар билан ҳамкорликда тажрибаларидан умумий фойдаланаётган «Этьикод» тадбиркорлари ҳозирда Италиядан яна бир янги линия келтиришни режалаш туришибди. Бу, албатта ишлаб чиқариш ҳажми, мебель турлари ҳамда сифати юксалишида муҳим ҳисса бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: корхонанинг илгор мебелсозлари; тадбиркор Абдугани Қосимов маҳсулотлар дизайнини яратишда катта маҳоратга эга. Ҳажимдон Солиҳов олган суратлар







### МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Одамлар нечоғлик қилса тарбият: Бўрининг боласи — бўри оқибат.

Кескир ханжар бўлмас ёмон темирдан, Одам қилиб бўлмас ким эса нокас. Гўзал табиатли ёмғир минг ёгсин: Богдан лола унар, шўрхоқ ердан хас.

Шўра тупроқ ердан гул униб чиқмас, Дон сочмоқ — овора бўлмоқ демакдир. Яхшига ёмонлик қилмоқ мисоли Ёмонга яхшилик қилмоқ демакдир.

Ҳеч кишининг ич ҳиссига озор бериш қас-дим йўқ, Нима қилди, ҳасадчининг ичини ўт ўрта-са.

Ҳасад деган қийналишдан ўлиб қутулганнинг ҳўб, Машаққатдан қутқаради ўлим деган зўр нарса.

Қочар силамасанг, ҳалқали қулинг. Лутф қилар бўлсанг, ёт ҳам бўлар қул.

Эй тўқ киши, сенинг учун арпа нони ёқим-сиз, Сенга хунук кўринганлар менга хуршид-талъатдир.

Жаннатдаги хурлар учун аъроф бўлса жан-ханнам. Дўзахдаги кишиларга аъроф ўрни жан-натдир.

Фарқи шуки, биттасининг кучоғида гўзал ёр, Биттасининг икки кўзи ёр йўлида инти-зор.

Сендан кўрққанлардан кўрқил, Эй доно, Агар юзтасини жангда енгсанг ҳам. Мушукни кўргил-а, енгилб қолса, Йўлбарсининг кўзига чанг солур шул дам. Илон нечун чўпон товонин қакар? — «Бошим янчилмасин» дебон чекар гам.

Биров йиқилганда сўямаганнинг Қўлтигин тутмаслар йиқилса ҳатто.

Бир золимнинг кун ўртада ухлаб ётганим кўрдим, Бу фитнанинг уйғоғидан уйқуси яхши, де-дим.

Бировнинг ким бедорликдан ухлагани ҳўб бўлса, Шу ярамас тирикликдан ўлганини маъқул билдим.

Очкўз кишиларга эшигинг очма, Очдингми, ҳайдама, қаҳрингни сочма:

Манов беҳамият кишига қара, Унга қандай қилиб бахт қулиб боқсин. Ўзининг тинчлигин кўзлайди, холос, Майли, бола-чақа қийналиб қолсин.

Ҳеч ким дарвешларнинг эшигин қоқмас, «Еринг ва боғинга тўла, деб, ўлпон».

Дарёнинг ичида фойдалар-ку кўп, Тинчликни истасанг, қирғоқ ўзи ҳўб.

Тош отар киши-ла ўйнашган ўзинг, Нодонлик қилдинг бошинг ёрилди. Душманинг томонга ўқ отаман деб, Ўзинг нишон бўлиб қолмагил энди.

Бир киши умр бўйи сенга карам этибди, Бир галгина гуноҳини сен кечирсанг не-тибди!

Дилни яралама, охидан чўчи, Бу яра бирор кун сиртга тепади. Бирорта кўнгилга бермагил озор, Жаҳонни ўрташга бир оҳ етади.

Узун-узун йиллар, узок умрлар Халқлар бошимиздан босиб ўтади. Қўллардан қўлларга ўтган шунча мулк, Биздан навбатдаги қўлга ўтади.

Гарчи неъмат билан давлат уники, Лекин дарвешларга шоҳдир посбон. Қўйлар чўпон учун хизмат қилмади, Балки қўйлар учун керакдир чўпон.

Биттани тўку тинч кўрасан бу кун, Биттаси уриниб, бўлмиш дил яра. Неча кун сабр этиб, ўзга мағрурнинг Миясин тупроқлар еганини қара.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

### Бокс

#### ҲАМИЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**МОСКВА ШАҲРИДА БОКС БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР ЎЗБЕКИСТОНЛИК МУХЛИСЛАРГА ОЛАМ-ОЛАМ ҚУВОНЧ УЛАШДИ.**

Гап шундаки, машҳур авиаконструктор Сергей Королёв соврини учун бокс бўйича уюштирилган халқаро турнирда иштирок этган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси, Осиё чемпионати қолиби Азамат Эргашев 69 килограмм вазнда рингга чиқиб, аввалига германиялик ёш чарм қўлқоп устасини, сўнгра Беларусь, Украина ҳамда ҳал қилувчи баҳсда Россия боксчисини мағлуб этди ва шоҳсупанинг юқори поғанасига қўтарилди.

Шунингдек, халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Азамат Саидовга ҳам омад қулиб боқди. У 60 килограмм вазнлилар баҳсида барча рақиблардан кучли эканлигини исботлаб турнир қолиблигини қўлга киритди.

### Футбол

#### ОСИЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙСИ

**АНЪАНАГА КЎРА ҲАР ЙИЛИ ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ДЕКАБРЬ ОЙИГА ҚАДАР «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙСИ», «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲАҚАМИ», «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ» НОМИНАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОКИДА СЎРОВНОМАЛАР УЮШТИРИЛАДИ.**

Жорий йилда ҳам ушбу анъана давом эттирилди. Сўровнома натижаларига кўра Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси Рауф Инилев Осиевнинг 2007 йилнинг энг яхши мураббийси деб топилди. Шуниси қувонарлики, бош мураббий сифатида иш бошлаганидан бери ўтган қисқа давр мобайнида шаклланган терма жамоа туза олгани ҳамда футболчиларимизнинг Осиё чемпионати ва бошқа халқаро турнирлардаги муваффақиятли иштироки туфайли Инилевга қўт-қўтимиз футбол мутасаддилари ва мутахассислари юксак баҳо беришди.

Биз ўзбекистонлик мухлислар ва мутахассислар номидан миллий терма жамоамиз бош мураббийсини ушбу муваффақият билан қўтлай-миз, терма жамоамизга эса жаҳон чемпионатида саралаш турнири баҳс-ларида ажойиб галабалар ёр бўлсин, дейимиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

**МАНА ЮРТИМИЗГА ҚИШ ФАСЛИ КИРИБ КЕЛДИ, ШУ САБАБЛИ ҲАР БИР ХОНАДОН ЭГАСИ ЎЗ УЙИНИ СОВУҚ КУНЛАРДАН САҚЛАШ МАҚСАДИДА ИМКОНИАТИ БОРИЧА ҲАР ХИЛ ИСИТҚИЧЛАРДАН ЁКИ ГАЗ, ЎТИН БИЛАН ЁҚИЛАДГАН ПЕЧЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИ.**

«01»

### ҚОНДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ — ХАВФСИЗЛИК ГАРОВИДИР

Ёнғин хавфсизлиги инспекторлари қандай чора-тадбирларни кўрсатсин, тушунтириш ишларини олиб бормасин, фуқароларимиз томонидан эътиборсизликлар оқибатида ноҳуш ҳолатлар аф-суски учраб турибди. 2007 йилда Ёнғин назорати ходимлари томонидан Республика ҳудудидаги аҳоли турар жойлари, халқ ҳўж-алиги қорхоналари жаҳоларида ёнғинлар қилиши ва уларда фу-қароларнинг тан жароҳати олиб ҳалок бўлиш ҳолатларининг ол-дини олиш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ёнғиннинг ноҳуш оқибатлари ҳақида гапирганда кўз олдимизга аввало қуйиб қулга айланган бинолар, касалхоналарда тан жароҳати олиб азобланаётган кишилар келади. Ёнғин қаерда бўлмасин ўзининг муҳиш изларини қолдиради. Агарда фуқаро-ларимиз ўз ҳаётлари, келажақ авлод учун озгина эътиборли бўлишса, ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъиян риоя қилишса, болаларни уйда ёлғиз қолдирмасан келажақ авлоднинг, ўз ҳаётимизни ўт балосидан сақлаган бўлади. Ёнғин хавфсизли-ги хизмати ходимлари сизларга тинчлик, сиҳат-саломатлик ти-лаб, хавфсизлик қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишингизни ва огоҳ бўлишингизни сўрайди.

Т.ФАЙЗУЛЛАЕВ, 12-ХЕХО кичик инспектори

### ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 21 декабрь куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказилган очик аукцион савдоларига қўйилган мулкни қайтадан қўймоқда.**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман суд ижрочилиги бўли-ми томонидан 2006 йил 26 июлдаги 10250/3-сонли ижро ҳўжжатига асосан тақдим этилган, Тошкент метрополитени қурилиш дирекциясининг «Метрополитен капитал қурилиш» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Форобий ва Сағбон кўчалари кесиган чорраҳада жойлашган, қурилиш тугалланма-ган «Форобий» нимстанцияси. **Бошланғич баҳоси — 15 699 565 сўм 09 тийин.**

Ушбу мулкни суд ижрочилиги иштирокида бевосита жой-га қилиб қўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидор-лар тўлов ҳўжжатида мулк номи, ижро ҳўжжати рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорда закалат пулини Ўзбекистон банклари ассо-циациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банки-даги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-хисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топширилган аризаларни ва закалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзаси-дан қўйилган манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

#### Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий ко-миссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектлари-ни текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тако-миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаб-лари асосида комиссия қошида савдо-сановат палатаси ва тадбир-корлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалан-сангиз комиссиянинг ишчи органига қўйилган телефонлар ор-қали мурожаат қилишингизни сўраймиз. Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

Шу маънода Юнсо-бод туман халқ таълими бўлимига қарашли ўқувчи ёшлар техник ижодиёти марказида «Мен спортни севаман» мавзудаги тўра-қарлараро спорт мусоба-қасининг ўтказилишини бу борада олиб борила-ётган ишларнинг амалий ифодаси дейиш мумкин.

Мазкур тадбирни Юнсо-бод туман ўқувчи ёшлар техник ижодиёти маркази директори Саодат Худойқулиева кириш сўзи билан очар экан, жумладан шундай деди: —Маълумки, спорт ёшларнинг гўзалликка,

### Тадбирлар

#### МЕН СПОРТНИ СЕВАМАН

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАН ЕТУК, ЖИСМОНАН БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ УСТУВОР МАСАЛАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНДИ.**

нафосатга бўлган инти-лишларини юксалтиради. Шу маънода барча ишти-рокчиларни янада ушқоқ-ликка, галабага бўлган собитқадамликка чақира-ман.

Шундан сўнг мусоба-қаниннг асосий қисмига старт берилди. Унда мар-

казнинг спорт, техника ва бадий йўналишдаги 40 та тўрагагада қатна-шаётган 300 нафардан ортқ иқтидорли ўқувчи-лар ўзларининг нималар-га қодирлигини намойиш этишди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзо-лари томонидан Рўздат

Беков, Хусан Юсупов, Жалолиддин Хусанов, Тўлқин Баратов сингари иштирокчилар қолиб деб топилиб, уларга мутасад-ди ташкилотларнинг Фзаҳ-рий ёрлиги топширилди. **Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: тадбир-дан лавҳалар**



### Божхона хабарлари

#### БУЮРМАГАН БОЙЛИКЛАР

**МАЪЛУМКИ, НАҚД ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАР ВА ТИЛА МАҚСУЛОТЛАРИНИ ЮРТИМИЗ ХУДУДИДАН ОЛИБ ЎТИШНИНГ ЎЗ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ, БЕЛГИЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ БОР. АММО АМАЛДАГИ ТАРТИБГА РИОЯ ҚИЛМАГАН КИМСАЛАР ОХИР-ОҚИБАТДА ЎЗ ҚИЛМИШЛАРИДАН ПУШАЙМОН БЎЛИБ ҚОЛИШАДИ.**

Яқинда Тошкент халқаро аэропорти боғжоначилари Москвага учиб кетаётган фуқаро Д. Усмоновани боғжона назоратидан ўтказишганда у ўзи билан ноқонуний равиш-да 7 минг АҚШ долларини, Россия Федерацияси фуқаро-си В. Бакиева 24.000 Россия рублини, фуқаро А. Турдиев эса 10 минг 200 Россия рублини ноқонуний равишда рес-публикамиздан олиб чиқиб кетмоқчи бўлганлигини аниқ-лашди.

«Тошкент-Олмаота» йўналиши бўйича учиб кетаётган Жанубий Корея фуқароси Чо Санг Сик эса боғжона баён-номасида кўрсатмаган ҳолда 5000 АҚШ долларини, «Тош-кент-Бокю» йўналиши бўйича учиб кетаётган Қозоғистон Республикаси фуқароси В. Молчанов 2500 евро, «Тош-кент-Қозон» йўналиши бўйича учиб кетаётган россиялик В.Лукецкий 40 минг Россия рублини, «Тошкент-Урумчи» йўналиши бўйича парвоз қилмоқчи бўлган Хитой Халқ Республикаси фуқароси Пан Вай 1050 АҚШ dollari ва 1080 Россия рублини юртимиздан ноқонуний равишда олиб кетмоқчи бўлганларида Тошкент халқаро аэропорти боғжоначилари томонидан тўхтатиб қолинди.

Тошкент халқаро аэропорти боғжоначилари айрим ким-саларнинг мўмай даромад орттириш иилинжида заргарлик буюмларини юртимизга боғжона тўловларини тўлашдан қочи олиб киришга бўлган уринишларини чиппака чиқар-ишмоқда. Истамбулдан учиб келган заргарлик С. Хотамов боғжона назоратидан ўтказилганда у боғжона баённома-сида кўрсатилмаган 200 граммга яқин заргарлик буюмла-рини юртимизга ноқонуний равишда олиб киришга урин-ганлиги маълум бўлди. «Истамбул-Тошкент» йўналиши бўйича учиб келган фуқаро С. Шерматова эса соч тўгна-ғичи ичига яширилган 200 граммга яқин заргарлик буюм-ларини юртимизга ноқонуний олиб киришга бўлган экан.

Шунингдек, «Истамбул-Тошкент» йўналиши бўйича учиб келган фуқаролар Х. Сатторова 64.6 грамм, И. Рустамова ва М. Атажоновлар эса 400 граммдан ортқ ҳамда Тур-кия фуқароси Яшақан Ресеп Шамил эса вазни 174 грам-ми ташкил этувчи заргарлик буюмларини юртимизга но-қонуний равишда олиб киришга бўлганликлари аниқлан-ди.

#### РАДИОКАРНАЙ ОРТИДАГИ ТАМАКИЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲАР БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ «ИСТАНА» РУСУМЛИ АВТОБУСНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШГАНДА, УШБУ АВТОБУСДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ФУҚАРОСИ Ё.ДАВИДОВ ХОРИЖДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН, БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИДАН ЎТКАЗИЛГАННИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲЎЖЖАТИ БЎЛМАГАН, ҚИЙМАТИ ҚАРИЙБ 4,5 МИЛЛИОН СЎМЛИК КИЙИМ-КЕЧАК ВА БОШҚА ТОВАР МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ НОҚОНУНИЙ ОЛИБ КЕТАётгани аниқланди.**

«Келес» темир йўл боғжона пости ходимлари «Уфа-Тошкент» йўналиши бўйича ҳаракатланувчи йўловчи та-шиш поездидаги йўловчиларнинг қўл юкларини боғжона кўригидан ўтказишганда ангрелик Х.Анарқулова купенинг радиокарнай жойлашган қисмининг орқа томонига хориж-да ишлаб чиқарилган, қиймати қарийб 1,5 миллион сўмлик 860 та қўти тамаки маҳсулотларини яшириб, уларни юр-тимизга ноқонуний равишда олиб киришга уринганлиги ошкор бўлди.

Давлатимиз боғжона қўмитаси контрабандага қарши ку-рашиш бош бошқармаси ходимлари томонидан Учтепа

туманидаги хонадонлардан бири қонунчиликда белгилан-ган тартибда кўздан кеңирилганда, ушбу хонадонда фуқаро Л.Раҳматовга тегишли бўлган, хорижда ишлаб чиқари-рилган, боғжона расмиёлаштирувидан ўтказилганини тас-диқловчи ҳўжжатлари бўлмаган умумий қиймати 15 м миллион сўмлик кўп миқдордаги спорт пойабзаллари боррўли-ги аниқланди.

Тошкент шаҳар боғжона бошқармаси ходимлари «М Мер-седес Бенц» русумли микроавтобусни назоратдан ўтқа-зишганда ушбу транспорт воситасида фарғоналик Б.А.Ази-мовга тегишли бўлган, хорижда ишлаб чиқарилган боғ-жона расмиёлаштирувидан ўтказилганини тасдиқловчи ҳў-жжатлари бўлмаган қиймати 31 миллион сўмдан ортқиқни ташкил этувчи салкам 10 минг 500 метр газлама маҳсу-лотлари борлиги маълум бўлди.

#### КОМПЬЮТЕР КОНТРАБАНДАСИ

**ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ КОНТРАБАНДАГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ БОЖХОНАЧИЛАРИ ТОМОНИДАН «НЬО-ЙОРК-ТОШКЕНТ» ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА УЧИБ КЕЛГАН ФУҚАРО М.АБДУРАҲМОНОВА БОЖХОНА НАЗОРАТИДАН ЎТКАЗИЛГАНДА, УШБУ АЁЛ БОЖХОНА БАЁННОМАСИДА КЎРСАТИЛМАГАН, ҚИЙМАТТИ 12 МИЛЛИОН СЎМЛИК КЎП МИҚДОРДАГИ КОМПЬЮТЕР БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАРИ ВА ҲАР ХИЛ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА БУЮМЛАРИНИ ЮРТИМИЗГА НОҚОНУНИЙ РАВИШДА ОЛИБ КИРИШГА УРИНГАНЛИГИ ФОШ ЭТИЛДИ.**

Тошкент халқаро аэропорти боғжоначилари яна бир ҳолатда «Нью-Йорк-Тошкент» йўналиши бўйича учиб кел-ган фуқаро А.Каминовни боғжона назоратидан ўтказиш-ганда, у боғжона баённомасида кўрсатилмаган, нарҳи 15 миллион сўмлик 10 дона ноутбукларни юртимизга ноқо-нуний равишда олиб киришга бўлганини аниқлашди.

#### МАҚСАДГА ЕТОПМАГАН «УЧАР»ЛАР

**ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ХОДИМЛАРИ ТАРИХИЙ, МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРИМИЗНИ ЮРТИМИЗ ХУДУДИДАН НОҚОНУНИЙ ТАРЗДА ОЛИБ ЧИҚИЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ҚАТОР ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШМОҚДА.**

Тошкент халқаро аэропорти боғжоначилари «Тошкент-Қуала-Лумпур» йўналиши бўйича учиб кетаётган синга-пурлик Мўхаммад Кир Бин Жохани боғжона назоратидан ўтказишганда, ушбу шахсининг тарихий аҳамиятта эгаллиги учун юртимизга хуудидан олиб чиқилиши таъқиқланган ма-даный бойликларини олиб чиқиб кетаётганлигини аниқ-лашди.

Текшириш давомида улар орасида қадимий китоби, ги-лам, сўзана, дўппи қаби жами 33 дона ҳар хил буюмлар борлиги маълум бўлди.

Тошкент шаҳар Боғжона бошқармаси «Келес» темир йўл боғжона пости ходимлари томонидан «Тошкент-Уфа» йўналиши бўйича ҳаракатланувчи поезд йўловчиларининг қўл юклари боғжона кўригидан ўтказилганда, фуқаро Ф.Ма-ликова 1898-1947 йилларда зарб этилган жами 107 дона пул бирликларини юртимиздан ноқонуний равишда олиб чиқмоқчи бўлганлиги ошкор бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, республикамиз боғ-жоначилари томонидан ўтган 2006 йил давомида жами 47 та ҳолатда 400 донага яқин тарихий аҳамиятта эга бўлган бойликларимиз юртимиздан ноқонуний равишда олиб чиқилаётганида тўхтатиб қолинган эди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса 49 та ҳолатда 644 дона осори-атқалар, тарихий, маданый бойликларнинг четга олиб чиқилишининг олди олинди.

Давлат боғжона қўмитаси матбуот хизмати



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

#### ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефони мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбоси акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5